Mavlonov Jasur Bahodir o'g'li. Nurimbetov Baxtiyar Chimbergenovich

Qoraqalpoq davlat universiteti

E-mail:Alfalaureate0096@gmail.com

Magnezial bog'lovchi moddalarga kaustik magnezit va kaustik dolomit kiradi. Birinchisi tabiiy magnezitdan, ikkinchisi esa tabiiy dolomitdan olinadi. Magnezit - magniy karbonat ( $MgCO_3$ ). dolomit - kaltsiy va magniyning qo'sh karbonat tuzi bo'lgan mineral ( $CaCO_3 \cdot MgCO_3$ ). Dolomitning rangi kulrang-oq, ba'zida sarg'ish, jigarrang yoki yashil rangga ega.

Moss shkalasi bo'yicha qattiqligi 3,5...4, zichligi 2,8...2,9 g/sm<sup>3</sup>. Magnezit va dolomit o'tga chidamli material sifatida, metallurgiyada va boshqa ba'zi sanoat tarmoqlarida xom ashyo sifatida ishlatiladi. Kaustik magnezit va kaustik dolomit ishlab chiqarish jarayoni o'z ichiga mahsulotni kuydirish va uni maydalash kabi jarayonlarni oladi. Magniy karbonatning parchalanishi taxminan 400°C haroratda boshlanadi, lekin faqat 600-650°C da yetarli tezlikda davom etadi. Magnezitni shaxtali pechlarda kuydurish harorati 750-800°C, aylanuvchi pechlarda esa 1000°C [1].

Hozirgi vaqtda qurilish industriyasining rivojlanishi bilan dunyoning ko'pgina mamlakatlarida bog'lovchi sifatida magnezial bog'lovchilardan foydalanish bo'yicha ishlar faol olib borilmoqda, chunki hozirda qurilishda qollanilayotgan portland tsementni ishlab chiqarish magnezial bog'lovchilarga nisbatan ko'proq energiya talab qiladi. Shuning uchun portland tsement o'rniga magnezial bog'lovchilaridan foydalanish dolzarbdir, chunkilarni ishlab chiqarish uchun energiya xarajatlarini kamaytirishga va o'z navbatida magnezial bog'lovchilar asosida olingan mahsulotlarning tan narxini pasaytirishga imkon beradi.

Qurilish ishlarida ishlatiladigan magnezial bog'lovchilarni olishning yangi texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish hamda ular asosida zamonaviy

qurilish materiallari va buyumlarini ishlab chiqarish ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.

Adabiyot ma'lumotlaridan ma'lumki, dolomitni  $750^{\circ}\text{C}$  haroratdaku ydirishda asosan  $\text{CaCO}_3$  va  $\text{MgO}$  dan (kamida 15%) tashkil topgan kaustik dolomit hosil bo'ladi. Yuqori haroratlarda dolomitli tsement va dolomitli ohak olinishi mumkin.  $\text{MgO}$ ,  $\text{CaO}$  va  $\text{CaCO}_3$  ni o'z ichiga olgan dolomit tsement  $800-850^{\circ}\text{C}$  haroratda olinadi; dolomitli ohak ( $\text{MgO}$  va  $\text{CaO}$  aralashmasi)  $900-1000^{\circ}\text{C}$  haroratda hosil bo'ladi. Yuqori haroratlar dolomitning kuyishiga va dolomitli shlaklarning xosil bo'lishiga olib keladi [2].

Ushbu ishning maqsadi past haroratli bog'lovchi moddalarni olish uchun Jamansoy konining dolomitini o'rganish bo'lib hisoblanadi.

Tadqiqot uchun Qoraqalpog'iston Respublikasining Jamansoy konidan olingan dolomit ishlatildi.

EDX-7000P energiya dispersli rentgen-fluoresan spektrometri yordamida dolomitning kimyoviy tahlili o'tkazildi. Dolomitning kimyoviy va mineralogik tarkibi asosan kaltsiy va magniy karbonatlari, ma'lum miqdordagi kremniy birikmalari, alyuminiy oksidi va temir gidroksidi, gips shaklidagi kaltsiy sulfat, sulfat va xlorid kislotalarining oz miqdorda eruvchan tuzlari aralashmasidan iborat. Kimyoviy tahlil ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, namunadagi dolomitning miqdori deyarli 99% ni tashkil qiladi, bu toshning loy aralashmalaridan tozaligini ko'rsatadi.  $\text{CaO}:\text{MgO}$  nisbati nazariy jihatdan deyarli mos keladi

Dolomit rudasi namunalarining fazaviy tarkibi rentgen fazali tahlil usuli bilan o'rganildi. Jamansay konining ruda namunasini rentgen fazali tahlili natijalari dolomit minerallari ( $2\theta = 31,2^{\circ}\text{C}$  da maksimal cho'qqi) va kaltsiy karbonat mavjudligini ko'rsatadi.

Jamansay konidan olingan dolomit namunasining issiqlik xossalari STA409 PCLuxx sinxronli issiqlik analizatori yordamida o'rganildi. Termik tahlil ma'lumotlariga ko'ra, DTA va DTG egri chiziqlarida ikkita aniq endotermik effekt ko'rinadi, bu dolomitning parchalanishi ikki bosqichda sodir bo'lishini ko'rsatadi. Dolomit dissotsiatsiyasining birinchi bosqichining harorat oralig'i  $713-766^{\circ}\text{C}$  oralig'iga, ikkinchisi esa  $780-820^{\circ}\text{C}$  oralig'iga to'g'ri keladi.

TG egri chizig'ida ikki bosqich mavjud bo'lib, umoddamassasining kamayishini tavsiflaydi. Dastlabki massaga nisbatan massaning o'zgarishi birinchi bosqichda 20,17%, ikkinchisida - 26,79%, jami - 46,96% ni tashkil qiladi. Bundan tashqari, ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, DTA egri chizig'i, ehtimol, amorf parchalanish mahsulotining kristallanishi bilan bog'liq bo'lgan ekzotermik issiqlik effektini ham namoyon qiladi.

## Xulosa

Qoraqalpog‘iston Respublikasining Jamansoy konidan olingan dolomitning kimyoviyva mineralogik tarkibi, fizik-kimyoviy xossalari o‘rganildi. Kimyoviy tahlil natijasi bo‘yicha namunadagi dolomit miqdori deyarli 99% ni tashkil qiladi. Termografik tahlil natijalariga ko‘ra, dolomit dissotsiatsiyasining ikki bosqichining harorat intervali aniqlandi, dolomit dissotsiatsiyasining birinchi bosqichi 713-766°C oralig‘iga, ikkinchisi esa 780-820°C oralig‘iga to‘g‘ri kelishi aniqlandi. Jamansay konining dolomiti magnezial bo‘g‘lovchilar ishlab chiqarishda xom ashyo sifatida ishlatilishi ko‘rsatildi.

### Adabiyotlar ro‘yxati

1. Ю.М.Бутт, М.М.Сычев, В.В.Тимашев. Химическая технология вяжущих материалов. М., Высшая школа, 1980. 472 с.
2. Бирюлева, Д.К. Доломитовый цемент и его использование для производства строительных материалов / Д.К. Бирюлева, Н.С. Шелихов, Р.З. Рахимов // Тезисы докладов 3 академических чтений «Актуальные проблемы строительного материаловедения». – Саранск, 1997. – С. 117-118.

## PASS DASTURIDA CORYDALIS GORTSCHAKOVII O‘SIMLIGI ALKALOIDLARINING NISBIY FAOLLIGINI O‘RGANISH

<sup>1</sup>Zuxrobov R.S., <sup>2</sup>Mamadraximov A.A., <sup>2</sup>Yeshimbetov A.G.,

<sup>3</sup>Sultonov A.A., <sup>1</sup>Boboev B.N.

<sup>1</sup>O‘zbekiston milliy universiteti

<sup>2</sup>O‘zR FA O. S. Sodiqov nomidagi bioorganik kimyo instituti

<sup>3</sup>Qoraqalpoq davlat universiteti

Ma'lumki, *Corydalis Gortschakovii* (mahalliy nomi: Gorchakov burmaqorasi, o'rmaqora, ruscha nomi: Хохлатка Горчакова) o'simligi ildizi xalq tabobatida suyaklar lat yeganda va singan holatlarda qo'llanilib kelinmoqda. Keyingi yillarda ushbu o'simlikning "quvvatni oshiruvchi" xossasi ham mavjud ekanligi aniqlangan. Ushbu o'simlik tarkibidan allumidine, bucuculline, cheilanthifoline, corunnine, corydine, domesticine, isocorydine, izoboldine, N-methylcoclaurine, protopine, reticuline, scoulerine, stylophine va thalicmidine alkaloidlari ajratib olingan [1].

*Corydalis Gortschakovii* o'simligi ildizining "quvvatni oshiruvchi" xossasi o'simlik tarkibidagi ma'lum bir alkaloidning faolligi natijasida yoki alkaloidlarning umumiy ta'siri (sinergizm) natijasida yuzaga kelgan bo'lishi mumkin. Ushbu o'simlik tarkibidan ajratib olingan alkaloidlarning qaysi birida "quvvatni oshiruvchi" xossa mavjudligini aniqlash maqsadida ayni shu o'simlik alkaloidlari PASS dasturida [2] skrining qilindi. Birinchi navbatda PASS dasturida etalon sifatida testosteron garmoni o'rganildi. Keyin, har bitta alkaloidning qanday

xossalarni namoyon qilishi mumkinligi qarab chiqildi.

Nazariy izlanishlar natijasida *Corydalis Gortschakovi*o‘simligi ildizida uchraydigan Cheilanthifoline alkaloidi testosteron garmoni uchun topilgan faolliklarni namoyon qilishi mumkinligi aniqlandi.

Adabiyotlar

1. Т. Иргашев, И.А. Исраилов. Алкалоиды *Corydalis Gortschakovi*. ХПС, 1984, с. 260.
2. <http://www.way2drug.com/passonline/>

## INVESTIGATION OF CRYOGEL OF POLYVINYL ALCOHOL

B.M. Kudaibergenova<sup>1</sup>, S.J. Joldasova<sup>2</sup>

<sup>1</sup>PhD., associate professor. The Al-Farabi Kazakh National University

<sup>2</sup>Assistant. The Berdakh Karakalpak State University

Cryogels on the basis of polyvinylalcohol (PVA) represent the big interest both in the scientific plan, and in applied. Besides, composite of macroporous polymeric cryogels are used as sorbents for sewage treatment from heavy metals. Also they have found wide application in biotechnology, medicine, the food-processing industry, etc., as a biomass, artificial fabrics, and carrier of medical drugs. In many respects this interest is caused excellent mechanical, diffusion and thermophysical by properties cryogels of PVA and availability of the polymer, nontoxic biocompatibility and gel formation ability.

In this connection, possibility of reception cryogels on the basis of PVA by the method of cryogel formation and regularity of immobilization of local anaesthetic of richlokain on them has been investigated.

10, 13 and 15 % cryogels of PVA have been obtained and their swelling ability was studied. By the results of investigation with increase in concentration of PVA, the degree of swelling ( $\alpha$ ) of cryogels raises, also makes for 4,5-7,9. For an estimation of possibility of use cryogels as carriers of medicinal substances was carried out immobilization of local anaesthetic of medical drug – richlokain on data cryogel by the method of sorption. By the results of studying the limiting values of sorption of richlokain on gels within 2 day make up 40-55 % that testifies about enough high sorption abilities. In all studying substantial growth of degree of sorption richlokain with increase of concentration PVA that it is possible to explain according to the rule of acting weights has observing. Therefore, the size of sorption makes from 3,05 mg/g - 4,2 mg/g.

In that way, as a result of investigation was obtained cryogels of PVA. And their sorption ability under the attitude of medical drug – richlocain was considered.

B.M. Kudaibergenova<sup>1</sup>,  
 PhD., associate professor.  
 The Al-Farabi Kazakh National University  
 Investigation of cryogel on the basis of polyvinyl alcohol  
 87272(7014765431)  
 E-mail: [bateskudaibergenova1@gmail.com](mailto:bateskudaibergenova1@gmail.com)

## FAVIPIRAVIRKOMPLEKSLARIDAGIMOLEKULALARAROTA'SIRLAS HISHLARNIUNIKUCHMAYDONLARIUSULIDANAZARIYO'RGANISH

<sup>1,2</sup>Choriev O.I., <sup>1</sup>Ashurov J.M., <sup>1</sup>Yeshimbetov A.G., <sup>3</sup>Sultonov A.A.

<sup>1</sup>O'zR FA akad. O.S. Sodiqov nomidagi bioorganik kimyo instituti

<sup>2</sup>Toshkent farmatsevtika instituti

<sup>3</sup>Qoraqalpoq davlat universiteti

Ma'lumki, antivirus faollikka ega bo'lgan favipiravir dori vositasi boshqa biologik faol birikmalar bilan komplekslar (ko-kristallar yoki organik tuzlar) hosil qiladi [1]. Bunday komplekslarning individual molekulalarga nisbatan yuqori fizik xususiyatlarga ega bo'lishi aniqlangan. Ko-kristallarning shakllanishi orqali fizik ko'rsatkichlarning yaxshilanishi farmatsevtika uchun muhim ahamiyat kasb qiladi[2]. Adabiyotlarda [3] bir qator ko-kristall mahsulotlarining farmatsevtika bozorida o'rni va klinik sinov bosqichlari haqida ma'lumotlar keltirilgan. Ko-kristallarining barqarorligini ifodalaydigan nazariy ko'rsatkichlardan biri sifatida kompleks tarkibidagi molekulalarning o'zaro ta'sirlashish energiyalari hisoblanadi [4]. Ko-kristallarning kimyodagi o'rni va ahamiyatidan kelib chiqqan holda, ushbu ishda favipiravirning ayrim biofaol birikmalar bilan hosil qilgan ko-kristallaridagi molekulalararo ta'sirlashish energiyalari Mercury 2021.3.0 [5] dasturiga kiritilgan UNI kuch maydonlari [6] usulida aniqlandi. Hisoblashlar asosida quyidagi natijalar olindi:

Favipiravirning ayrim biofaol birikmalar bilan hosil qilgan ko-kristallaridagi molekulalararo ta'sirlashish energiyalari (1-Jadval).


№	Ko-kristallar nomi*	Molekulalararo masofa (Å)	Molekulalararo ta'sirlashish energiyasi (E, kJ/mol)
1	FAV- 2ABK	3.72	-42.01
2	FAV-MEA	5.85	-36.35
3	FAV-En	4.64	-28.46
4	FAV-TMP	8.93	-46.15
5	FAV-MABenz	3.40	-49.14
6	FAV-LAM	5.29	-32.67

\*FAV-Favipiravir, 2ABK- 2-aminobezoy kislotasi, MEA- monoetanolamin, En-

etilendiamin, TMP- trimetoprim, MABenz- 2-amino-1-metilbenzimidazol, LAM-lamivudin.

Hisoblashlar natijasida favipiravirning boshqa biologik faol birikmalar bilan hosil qilgan komplekslari kristall taxlanishlarida molekulararo tasirlashish energiyalari quyidagitaribda ortib borishi aniqlandi: E(FAV-MABenz)=-49.14 kJ/mol, E(FAV-TMP)=-46.15 kJ/mol, E(FAV-2ABK)=-42.0 kJ/mol, E(FAV-MEA)=-36.35 kJ/mol, E(FAV-LAM)=-32.67 kJ/mol va E(FAV-En)=-28.46 kJ/mol. Molekulararo ta'sirlashish energiyasi qanchalik kichik bo'lsa, kompleksning mustahkamligini shunchalik yuqori bo'ladi.

Demak, olib borilgan nazariy izlanishlar natijasida favipiravirning 2-amino-1-metilbenzimidazol bilan hosil qilgan (FAV-MABenz) kompleksi nisbatan yuqori barqarorlikka ega bo'lishi mumkinligi aniqlandi.



1-rasm. FAV:2-ABK co-kristallining molekulararo ta'sirlashuv energiyasi (kJ/mol)

#### Adabiyotlar

1. X. Wang, L. Wang, Ch. Yao, G. Xie, Sh. Song, H. Li, Yaqian Qu, and X. Tao. *Cryst. Growth Des.* 2021, 21, 3807-3817/  
<https://doi.org/10.1021/acs.cgd.1c00150>
2. M. Karimi-Jafari, L. Padrela, G.M. Walker, D.M. Croker. *Cryst. Growth Des.* 2018, Vol.18 (10), 6370-6387.
3. J.W. Steed, The role of co-crystals in pharmaceutical design. *Trends Pharmacol. Sci.*, 2013, **34**, 185–193
4. A.G. Yeshimbetov, X.U. Xodjaniyazov, A.S. Ibragimov, J.M. Ashurov, B.T. Ibragimov. *SamDU ilmiy axborotnoma.* 2022, 3-son (133).
5. C. F. Macrae, I. J. Bruno, et al. *Appl. Cryst.* 2008.41.466-470
6. A. Gavezotti. *Acc. Chem. Res.*—1994.—Vol.27.—№10. — P.309–314.

## INDIGONING METALLAKOMPLEKSLARI SINTEZI TAHLILI


<sup>1</sup>S.A.Majidov, <sup>2</sup>Z.T.Xalmuratova

<sup>1</sup>Guliston davlat universiteti


<sup>2</sup>Qoraqalpoq davlat universiteti

Kimyo sanoatining rivojlanishi hozirgi kunda amalga oshirilayotgan tahlillarning samaradorligini va aniqligini ortishiga olib kelmoqda. Jumladan, ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish, oziq-ovqat, farmatsevtika va ishlab chiqarish hamda qishloq xójaligi sohalarida bunday tahlillarga ehtiyoj toboro ortib bormoqda. Shuning uchun Analitik kimyoda qóllaniladigan reagentlarga bólgan talab ham mos ravishda ortib bormoqda. Hammamizga málumki, analitik reagentlarga qóyiladigan bir qancha talablar mavjud bólib, ulardan eng asosiylar-selektivlik, tan-narxining pastligi va atrof-muhitga salbiy tásirining kamligi hozirgi kunda dolzarb masala hisoblanadi. Mana shunday reagentlardan biri bu –indigo hisoblanadi. Indigoning tuzilishi bir muncha óziga xos bólishishi bilan bir qatorda ishlatilish sohalari óta muhim va keng qamrovlidir. Jumladan bóyoq sanoati, farmasevtika, kosmetologiya va boshqa kóplab sohalarda asosiy xomashyo sifatida foydalanib kelinmoqda. Shu sababi indigoning metallarga ta'sirini baholash va ularni aniqlashda reagent sifatida qó'llanilishini aniqlash tadqiqotimizning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Indigoning birinchi metall majmuasi haqida 1901 yilda Binz xabar bergan: Indigo rux kukuni bilan reaksiyaga kirishgan va Binz bu reaksiyani quyidagicha sxemalagan: "Indigblau + Zink = Indigweissz- siyoh"[1].



Bu sintez amalga oshirilgandan so'ng, indigoning metallokomplekslarini umumiy ko'rishini quyidagicha ifodalash mumkinligi aniqlandi[2]:



Yuqoridagi tasvirlardan ko'rinib turibdiki, indigo tarkibidagi imino (>N-H) va karbonil (>C=O) guruhlar hisobiga metal ionlarini bog'lash imkoniyati mavjud. Xususan, imino guruhdagi vodorod atomlarining almashinishi hisobiga kovalent

bog', kislorod atomlari tarkibidagi erkin elektronlar jufti vositasida esa donor-akseptor bog' hosil bo'lishi hisobiga indigo molekulari metal atomlari bilan o'zaro kompleks birikmalarni hosil qilayotganligini ko'rishimiz mumkin. Demak indigo d-elementlar bilan kompleks birikma hosil qilish qobiliyatiga ega. Shuning uchun uni analitik kimyo sohasida organik reagent sifatida qo'llash mumkin degan xulosa o'rinli hisoblanadi[3].

Lekin bizning tadqiqotlarimizda yuzaga kelgan muommalardan biri bu-indigoning eruvchanligi bo'lib, uning suvda erimasligi ishni biroz murakkablashtirdi. Biz erituvchilarga indigoning ta'sirini o'rganganimizda quyidagi natijalar kelib chiqdi(1-jadval)

**1-jadval. Indigoning ayrim erituvchilarga ta'siri.**

№	Erituvchi nomi	eruvchanligi	Eritma rangi
1	Xloroform	eriydi	siyohrang
2	Anilin	eriydi	siyohrang
3	1,4-dioksan	eriydi	yashil
4	Atseton	erimaydi	-
5	Etil spirti	erimaydi	-
6	Geksan	erimaydi	-
7	Izopropil spirti	erimaydi	-
8	Toluol	erimaydi	-
9	Geksanol	erimaydi	-
10	atsetonitril	erimaydi	-

1-jadvaldan ko'rinib turibdiki indigoning erituvchilari soni cheklangan bo'lib, bu alohida sharoida tajribalarni bajarishni talab etadi. Ya'ni bu erituvchilarda indigoni eritish uchun ham 10-12 soat davomida magnitli aralashtirgichda aralashtirish kerak.

Indigoni metallar bilan ta'sirini spektrofotometrik usul yordamida aniqlayotganimiz uchun bu erituvchilarning optic xossalari ham asosiy etiborga ega. Shu sababli indigoning bu erituvchilardagi 0.001 % li eritmalari tayyorlanib eritmaning optic zichliklari o'rganildi va xloroformli eritmaning optic zichligi nisbatan yuqori ekanligi aniqlandi.

Keyingi tadqiqotlarimizda erituvchi sifatida xloroformdan foydalanishni maqsad qilib oldik. Lekin xloroformning suv bilan aralashmasligi ikkinchi muommoni keltirib chiqardi. Ya'ni metal tuzlari asosan suvda eritilib tahlil qilinadi, indigo reagent esa xloroformda eritilsa ikkala eritma tarkibidagi moddlar bir-biri bilan ta'sirlashish imkoniyati mavjud emas. Shu sababli biz tadqiqotimiz davomida ekstraksiya usulini qo'llashni maqul deb hislobladik va bu usul o'z



samarasini bermoqda.


### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. A. Binz, J. Pract. Chemistry. NF 1901, 63, 497–516.
2. K. Kunz, Ber. Dtsch. Chemistry. Ges. 1922, 55, 3688.
3. R. Kuhn, H. Machemer, Ber. Dtsch. Chemistry. Ges. 1928, 61, 118–127; H. Machemer, J. Pract. Chemistry. 1930, 127, 109–168.

## **O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> КОМПОЗИТ ФОТОКАТАЛИЗАТОРИ СИНТЕЗИ ВА РЕНТГЕН ФАЗАВИЙ ТАҲЛИЛИ**


Г.Б.Сидрасулиева, Ш.М. Ўринова, С.П.Уснатдинова, М.Т.Жалғасова  
Коракалпок давлат университети

Сўнгги йилларда экологик ва энергия тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви замирида яшил технологияларга бўлган эътибор ошиб бормоқда. Экологик тоза, иқтисодий афзал ва тикланадиган, ярим ўтказгич хусусиятли фотокатализаторлар турли соҳаларга кириб бормоқда. Жумладан, фотокатализаторлар органик ифлослантирувчилар, водород олиш, энергияни жамлаш, электроника, суперконденсаторлар олишда ва CO<sub>2</sub> ни органик бирикмаларгача қайтаришда қўлланилмоқда [1-2]. Бу борада графитсимон углерод нитриди g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> ва унинг аллотропик шакллари қатор физик-кимёвий устунликларга эга бўлган фотокатализаторлардан ҳисобланади [3]. Шу сабабли, графитсимон углерод нитридининг хоссалари яхшиланган ва кўринувчан нур соҳасида фотокаталитик фоал бўлган наноўлчамли модификациялари ҳамда металл оксидлари билан композитларини синтез қилиб олиш, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот ишининг мақсади кислород билан допирланган графитсимон углерод нитриди O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> нинг Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> оксиди билан композити синтези ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этишдан иборатдир. Бунинг учун дастлаб, O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> кукун ҳолатига келтирилади ва Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>·6H<sub>2</sub>O еритмаси билан аралаштирилди. Сўнгра қуритилиб, кукун ҳолатига келтирилган қурук аралашма 30 минут давомида 500<sup>0</sup>С ҳароратда махсус автоклавда кальцинация қилинди. Композитни синтез қилиш жараёнини қуйидагича ифодолаш мумкин:



1-расм: O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композитининг синтези.

Синтез қилинган янги композит O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>  
 Фурье ИҚ спектроскопия усули ёрдамида идентификация қилинди [4].




2-расм: O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композитининг ИҚ спектри.

Композит фотокатализаторда 3152,17 ва 3078,76 см<sup>-1</sup> соҳада -NH<sub>2</sub>, -NH, -OH гуруҳларнинг коллектив симметрик ва антисимметрик тебранишлари кузатилади. Шунингдек, 1623,92, 1533,27, 1453,33, 1312,47 см<sup>-1</sup> соҳаларда CN тегишли гетероциклик структураларга хос тебранишлар кузатилди, 887,20, 802,04 см<sup>-1</sup> даги тебранишлар эса Fe-Отаъсирлашувларга мос келади.

O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композитининг ИҚ спектроскопия натижалари рентген фазавий таҳлил натижалари билан мустаҳкамланди.

Кўринган турибдики, O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композит фотокатализаторининг рентген таҳлилида O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> га тегишли иккита асосий чўққиси 2θ=27,17<sup>0</sup> ва пастки елка чўққиси 2θ=13,27<sup>0</sup> да кузатилган. Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> тегишли чўққилар сезилмайди. Чунки мазкур композит таркибида унинг миқдори жуда кам бўлганлиги сабабли интенсивлиги жуда паст. Шеррер формуласидан фойдаланган ҳолда рентген фазавий таҳлил маълумотларига асосланиб кристаллитларнинг ўлчамларини аниқлаш мумкин.

$$D = \frac{K\lambda}{\beta \cos\theta}$$



3-расм: O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композити дифрактограммаси.

3-расмда O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композитнинг дифрактограммаси келтирилган. Бу ерда: D- кристаллит ўлчами, нм; K-Шеррер доимийси, λ-рентген нурланиш тўлқин узунлиги (Cu учун 0,15418 нм) ва β ярим баландликдаги рефлекс кенглиги, θ-дифракция (Брэгг) бурчаги.

1-жадвал. O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> кристаллитларининг Шеррер формуласи орқали ҳисобланган ўлчамлари.

№	2θ	d(Å)	I/I <sub>1</sub>	B(FWHM)	D, нм
1	13,21(4)	6,694(19)	222	3,37(13)	2,48
2	15,18(3)	5,834(11)	222	0,16(3)	52,34
3	27,552(17)	3,235(2)	1868	1,11(2)	7,70
4	44,43(16)	2,037(7)	40	4,1(6)	2,19
5	56,7(3)	1,621(8)	37	2,8(5)	3,37

2-расм ва 1-жадвалда келтирилган маълуматлардан келиб чиқадики, O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>/Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> композитнинг таркибида тахминан 5 нм ўлчамдаги кристаллитлар (зарралар) эгаллайди. Шунингдек ўлчамлари тахминан 3 нм бўлган кристаллитлар сезиларли интенсивликда мавжуд ва чўққининг нисбий интенсивлиги I/I<sub>1</sub>=37 бўйича тахминан 3,37нм бўлган кристаллитларнинг улуши анча паст эканлиги кўришимиз мумкин.

Меламин асосида олинган кислород билан допирланган графитсимон нитриди O-g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> ни Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> билан модификациялаб, янги таркибли ва тузилиш хусусиятлари замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида тадқиқ этилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. B.Dianna, H.Uresti, A.Juan, A.Garib, A.Martinez. Photocatalytic degradation of RhB with microwave prepared PbMoO<sub>4</sub>. J. Microw. Power Electromagn. 46(2012), p.163
2. Kai-Ge-Zhou, Daryl McManus, Eric Prestat, Xing Zhong, Yuyong Shin

Hao-Li Zhang, Sarah J. Haigh and Cinzia Casiraghi. Self-catalytic membrane photo reactor made of carbon nitride nanosheets. *J.Mater.Chem.A.*, 2016,4, 11666-11671.

3. Hung, Q., Song, S., Chen, Z. et al. Biochar-based materials and their applications in removal of organic contaminants from wastewater: state-of the-art review. *Biochar* 1,45073(2019)

4. Сидрасулиева Г.Б., Каттаев Н.Т., Акбаров Х.И. Синтез наноразмерного графитоподобного углерод нитрида  $g-C_3N_4$  // *Universum химия и биология*. - Москва, 2021. - №12(90). - С.84-88.

### **O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> FOTOKATALIZATORI TERMİK TAHLILI**

Baxromova I.A., Kattayev N.T., Akbarov H.I.

O'zbekiston Milliy universiteti

Bugungi kundao'ziga xos morfologiya va spetsifik strukturaga ega bo'lgan grafitimon uglerod nitridlari ( $g-C_3N_4$ ) sintez qilinib, ular fotokatalizatorlar va adsorbentlar sifatida turli sohalarda muvaffaqiyatli qo'llanilmoqda [1].  $g-C_3N_4$  ni sintez qilish usullari asosan azotga boy bo'lgan organik prekursorlar: melamin, sianamid, disiandiamid, mochevina va tiomochevinani 450-650 °C oralig'ida to'g'ridan-to'g'ri termik polikondensatsiya qilishga asoslangan. Grafitimon uglerod nitridlari kimyoviy va termik barqaror va bezarar bo'lib, regeneratsiya talab qilmaydi, ularni bir necha marotaba ishlatish mumkin. Bundan tashqari, ajoyib optik va elektron xossalari sababli  $g-C_3N_4$ ni qo'llash sohalarini kengaytiradi [2]. Mazkur tadqiqot ishida sintez qilingan kislorod bilan dopirlangan  $g-C_3N_4$ ning termik barqarorligi tadqiq qilindi.

Yangi kislorod dopirlangan fotokatalizatorni sintez qilish jarayoni bir necha bosqichda amalga oshirildi [3]. Namunaning termik tahlili DTG-60 derivatografida 30-900 °C harorat oralig'ida 10 °C/min qizdirish tezligida olib borildi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> ni 400 °C gacha qizdirilganda melon hosil bo'ladi. Bu harorat oralig'ida massa yo'qotilishining asosiy sababi, ammiakning chiqib ketishi hisobigadir. 600 °C gacha qizdirish davom ettirilganda melemning polimerizatsiyasi sababli, melon hosil bo'ladi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> 600 °C dan past haroratlarda juda ham termik barqarordir, 630 °C dan yuqori haroratda quyi molekulyar birikmalar (CO<sub>2</sub>, NH<sub>3</sub>) gacha parchalanadi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> 35.49-495.02 °C oralig'ida 3,004% massa yo'qotsa, 495.97-742.49 °C oralig'ida esa bu ko'rsatkich 90,96% ni tashkil etadi (1-jadval).

35-495 °C harorat oralig'ida energiyaning yutilishi suvsizlanish va termik deformatsiya bilan bog'liq bo'lib, 495-742 °C harorat oralig'ida termik-oksidlanish degradatsiyasi sodir bo'ladi. Issiqlik ta'siridagi deformatsiya natijasida ko'p qatlamli strukturaning yoki grafitimon uglerod nitridining geptazin zanjirlarining yo'qolishi kuzatiladi.

O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub>ning termik tahlili natijalari

№	Harorat, °C	Massa yo‘qotilishi, %	Massa yo‘qotilish tezligi mg/min	DTA, uV
1	50	0,66	0,028	6.00
2	100	1,42	0,015	15.15
3	200	2,01	0,009	18.90
4	300	2,21	0,006	16.12
5	400	2,49	0,005	9.41
6	500	3,04	0,004	0.15
7	600	7,32	0,009	-10.62
8	700	50,37	0,057	-35.812
9	800	94,03	0.093	-13.844

1-jadvalda keltirilgan natijalardan ko‘rinib turibdiki, 600 °C gacha kuzatilgan ekzotermik effekt endotermik effektga aylana boshlagan. Buni O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> ning termik destruksiyasi va strukturaning buzilishi bilan izohlash mumkin.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Y. Dai, C. Li, Y. Shen, T. Lim, J. Xu, Y. Li, H. Niemantsverdriet, F. Besenbacher, N. Lock, R. Su. Light-tuned selective photosynthesis of azo- and azoxy-aromatics using graphitic C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> // Nat. Commun. 2018, 9, 60.
2. W.J. Ong, L.L. Tan, Y.H. Ng, S.T. Yong, S.P. Chai, Graphitic Carbon Nitride (g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>)-Based Photocatalysts for Artificial Photosynthesis and Environmental Remediation: Are We a Step Closer to Achieving Sustainability? Chem. Rev., 2016, 116, 7159-7329.
3. I.A. Baxromova, N.T. Kattayev, H.I. Akbarov, O.N. Ro‘zimurodov. Yangi grafitimon uglerod nitridining sintezi va fotokatalitik xossasi // O‘zbekiston kimyo jurnali. – 2022. – №4. – B. 9-14.

**SYNTHESIS OF 2-OXY-1-NAPHTHALDEHYDE SCHIFF BASES  
AND THEIR SPECTROSCOPIC ANALYSIS**

K.Zh.Rezhepov<sup>1</sup>, Sh.B.Alimbayeva<sup>2</sup>, B.A.Khodjaniyazov<sup>3</sup>

<sup>1</sup>A.S.Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, Uzbekistan Academy of Sciences, e-mail: r\_k\_zh@bk.ru

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan, , e-mail: r\_k\_zh@mail.ru

<sup>3</sup>Karakalpak State University named after Berdakh, , e-mail: bekniyaz@mail.ru

Schiff bases are condensation products of primary amines with carbonyl compounds and were studied by [1]. A common structural feature of these compounds is an azomethine group of the general formula  $RHC=N-R_1$ , where R and R<sub>1</sub> are alkyl, aryl, cycloalkyl, or heterocyclic groups that may be variously substituted. These compounds are also known as anils, imines, or azomethines. In a number of studies [2, 3] it has been shown that the presence of a pair of unshared electron pairs in the sp<sup>2</sup> hybridized orbital of the nitrogen atom in azomethine groups has important chemical and biological significance.

The versatility of Schiff's base derivatives, their biological, analytical and industrial application is one of the urgent problems. In this regard, the goal of our research work is to synthesize new 2-oxy-1-naphthaldehyde Schiff derivatives, to determine their chemical structures based on modern physicochemical methods, and then to study their biological activity.

In our research, new Schiff bases of 2-oxy-1-naphthaldehyde with amines of different nature (norsulfazol-Na, sulfapyridazine, thiosemicarbazide, 2-aminopyrimidine, 4-amino-2-chloro-6,7-dimethoxyquinazoline) were synthesized. Some physicochemical parameters of the synthesized Schiff bases were studied. The chemical structures of the substances were characterized on the basis of modern optical spectroscopy (UV-, IR-) methods.

#### REFERENCES

1. Cimerman Z., Miljanic' S., Galic' N. Schiff bases derived from aminopyridines as spectrofluorimetric analytical reagents // *Croatica Chemica Acta*. 2000. 73(1). Pp. 81-95.
2. Elmali A., Kabak M., Elerman Y. The rapid synthesis of Schiff's bases without solvent under microwave irradiation // *Journal Molecular Structure*. 2000. 477. P. 151.
3. Patel P.R., Thaker B.T., Zele S. Preparation and characterisation of some lanthanide complexes involving a heterocyclic-diketone // *Indian Journal of Chemistry*. 1999. 38. Pp.563-567.
4. Jungreis E., Thabet S. Analytical applications of Schiff bases // *Chelates in Analytical Chemistry*. 1969. No 2.Pp.149-177.
5. Paul P., SenguptaP., Bhattacharya S. Palladium mediated C-H bond activation of thiosemicarbazones: Catalytic application of organopalladium complexes in C-C and C-N coupling reactions // *Journal of Organometallic Chemistry*. 2013. Vol. 724. Pp. 281-288. <https://doi.org/10.1016/j.jorganchem.2012.11.010>

## 2-AMINO-5-(ALILTIO)-1,3,4-TIADIAZOLDIŃ Cu (II) PERKLORAT PENEN $\pi$ -KOMPLEKS BIRIKPESINIŃSINTEZI

<sup>1</sup>Atashov A.K., <sup>1</sup>ХожабаеваГ.А., <sup>1</sup>Torambetov B.S., <sup>2</sup>Uzaqbergenova Z.D.,  
<sup>1</sup>Kadirova Sh.A.



<sup>1</sup>O'zbekistan Milliy universiteti  
<sup>2</sup>Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Geterosaqıynalı birikpelerdiŃ eńtiykarǵı klaslarınan biri 1,3,4-tiadiazollar medicinada, awıl xojalıǵında hám materiallar ximiyasında keń qolanılıwı bizgebelgili, sol sebepli tiadiazol saqıynasın saqlaǵan birikpelerdiuyreniwulken ahmiyetke iye[1]. Ádebiyatlardan bizge belgili olefinlerdiŃ aralıq metall ionları menen payda etken  $\pi$ -kompleksleriniŃ katalitik qásiyetleri anıqlanǵan [2]. Nukleofil oraylarǵa iye bolǵan 1,3,4-tiadiazoldıń olefin almastırılǵan tuwındıları hám ameliy hám fundamental ximiya ushın ahmiyetli esaplanadı. 1,3,4-tiadiazolǵa olefin radikalı birigiwi onınmetall ionlarına koordinatsiyalanıw qábiliyetin asıradı hám turaqlı kompleks birikpelerdiŃ payda bolıwın támiynleydi. 1,3,4-tiadiazoldıńalliltio radikalın tutqantuwındılarınıńkoordinatsion qábiliyetlerin hám qásiyetlerin úyreniw maqsetinde aralıq metallardıńduzları menen hár túrli sintez reakciyalarialıp barıldı.

**Sintez.** 2-amino-5-alilltio-1,3,4-tiadiazol belgili metod járdeminde 2-amino-5-merkaptó-1,3,4-tiadiazol hám allilbromidten KOH qatnasında spirt eritpesinde sintez qılındı [3]. Ónimi 90%.

$[Cu_2(L)_3](ClO_4)_4$  kompleks birikpesiniŃ sintezi ushın (0,001 mol) Cu(II) perxlorattıń spirtli eritpesine (0,0015mol) ligand 2-amino-5-(alilltio)-1,3,4-tiadiazoldıńspirtli eritpesinen M:L 1:1,5 mol qatnasta aralastırıldı, eritpeortalıǵı kislotalı (pH=5). Reakciya 1 saat dawamında 60°C temperaturada magnitli aralastırǵıshıta aylandırıp qoyıldı. Duz eritpesiashıq kók reńnen toyǵınjasıl reńge ózgerdi. Payda bolǵan eritpe kristallanıw ushın alıp qoyıldı hámaramadan 4 kún ótkennen keyin toyǵınjasıl reńli kristallar tústi. Ónimi 82%.  $T_{suyıq} = 164-166^{\circ}C$ .

Rentgen dúzilis analizi nátiyjesinde kompleks dúzilisinińtiykarǵı kristallografik parametrleri hám xarakteristikalarıtómedegishe boldı: quramı  $C_{15}H_{21}Cu_2Cl_4N_9O_{16}$ ,  $M_r = 852,09$  g/mol, kristall forması monoklinik, keńislik gruppasıP1,  $a = 10.1778(2)$  Å,  $b = 10.7810(3)$  Å,  $c = 15.2028(3)$ ,  $\alpha = 79.6946(17)^{\circ}$ ,  $\beta = 84.7171(15)^{\circ}$ ,  $\gamma = 66.251(2)^{\circ}$ ,  $V = 1501.89$  Å<sup>3</sup>,  $Z = 4$ .



**1-súwret.**  $[Cu_2(L)_3](ClO_4)_4$  kompleksinin dúzilisi

Komplekstiń dúzilishinde organik ligand molekulası tiadiazol saqıynasındaǵı azot geteroatomları (N3 hám N4) menen koordinatsiyalanıp eki mıs atomları arasında kópir wazıypasın atqaradı, allil fragmentindegi qos baylanıs (-CH=CH<sub>2</sub>) esabınan π koordinatsiyalanıw orayı payda boladı (1-súwret).

1. B. Ardan., V. Kinzhybalo., Y. Slyvka., et al. Ligand-forced dimerization of copper(I)-olefin complexes bearing a 1,3,4-thiadiazole core // *Acta Cryst.* – 2017. – C73
2. Yu. I. Slyvka // *Journal of Structural Chemistry.* – 2017. – Vol. 58, No. 2, – P. 356-357.
3. S. Pal, V. Singh, R. Kumar, R. Gogoi. // *Journal of Molecular Structure*, – 2020. 1219, 128507.

**O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> FOTOKATALIZATORI TERMİK TAHLILI**

Baxromova I.A., Kattayev N.T., Akbarov H.I.

O‘zbekiston Milliy universiteti

Bugungi kundao‘ziga xos morfologiya va spetsifik strukturaga ega bo‘lgan grafit-simon uglerod nitridlari (g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>) sintez qilinib, ular fotokatalizatorlar va adsorbentlar sifatida turli sohalarda muvaffaqiyatli qo‘llanilmoqda [1]. g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> ni sintez qilish usullari asosan azotga boy bo‘lgan organik prekursorlar: melamin, sianamid, disiandiamid, mochevina va tiomochevinani 450-650 °C oralig‘ida to‘g‘ridan-to‘g‘ri termik polikondensatsiya qilishga asoslangan. Grafit-simon uglerod nitridlari kimyoviy va termik barqaror va bezarar bo‘lib, regeneratsiya talab qilmaydi, ularni bir necha marotaba ishlatish mumkin. Bundan tashqari, ajoyib optik va elektron xossalari sababli g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>ni qo‘llash sohasini kengaytiradi [2]. Mazkur tadqiqot ishida sintez qilingan kislorod bilan dopirlangan g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>ning termik barqarorligi tadqiq qilindi.

Yangi kislorod dopirlangan fotokatalizatorni sintez qilish jarayoni bir necha



bosqichda amalga oshirildi [3]. Namunaning termik tahlili DTG-60 derivatografida 30-900 °C harorat oralig'ida 10 °C/min qizdirish tezligida olib borildi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> ni 400 °C gacha qizdirilganda melen hosil bo'ladi. Bu harorat oralig'ida massa yo'qotilishining asosiy sababi, ammiakning chiqib ketishi hisobigadir. 600 °C gacha qizdirish davom ettirilganda melemning polimerizatsiyasi sababli, melon hosil bo'ladi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> 600 °C dan past haroratlarda juda ham termik barqarordir, 630 °C dan yuqori haroratda quyi molekulyar birikmalar (CO<sub>2</sub>, NH<sub>3</sub>) gacha parchalanadi. O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> 35.49-495.02 °C oralig'ida 3,004% massa yo'qotsa, 495.97-742.49 °C oralig'ida esa bu ko'rsatkich 90,96% ni tashkil etadi (1-jadval).

35-495 °C harorat oralig'ida energiyaning yutilishi suvsizlanish va termik deformatsiya bilan bog'liq bo'lib, 495-742 °C harorat oralig'ida termik-oksidlanish degradatsiyasi sodir bo'ladi. Issiqlik ta'siridagi deformatsiya natijasida ko'p qatlamli strukturaning yoki grafitsimon uglerod nitridining geptazin zanjirlarining yo'qolishi kuzatiladi.

### 1-jadval

#### O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub>ning termik tahlili natijalari

№	Harorat, □C	Massa yo'qotilishi, %	Massa yo'qotilish tezligi mg/min	DTA,uV
1	50	0,66	0,028	6.00
2	100	1,42	0,015	15.15
3	200	2,01	0,009	18.90
4	300	2,21	0,006	16.12
5	400	2,49	0,005	9.41
6	500	3,04	0,004	0.15
7	600	7,32	0,009	-10.62
8	700	50,37	0,057	-35.812
9	800	94,03	0.093	-13.844

1-jadvalda keltirilgan natijalardan ko'rinib turibdiki, 600 °C gacha kuzatilgan ekzotermik effekt endotermik effektga aylana boshlagan. Buni O-g-C<sub>2</sub>N<sub>3</sub> ning termik destruksiya va strukturaning buzilishi bilan izohlash mumkin.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Y. Dai, C. Li, Y. Shen, T. Lim, J. Xu, Y. Li, H. Niemantsverdriet, F. Besenbacher, N. Lock, R. Su. Light-tuned selective photosynthesis of azo- and azoxy-aromatics using graphitic C<sub>3</sub>N<sub>4</sub> // Nat. Commun. 2018, 9, 60.
2. W.J. Ong, L.L. Tan, Y.H. Ng, S.T. Yong, S.P. Chai, Graphitic Carbon Nitride (g-C<sub>3</sub>N<sub>4</sub>)-Based Photocatalysts for Artificial Photosynthesis and

Environmental Remediation: Are We a Step Closer to Achieving Sustainability?  
Chem. Rev., 2016, 116, 7159-7329.

3. I.A. Baxromova, N.T. Kattayev, H.I. Akbarov, O.N. Ro‘zimurodov.  
Yangi grafitsimon uglerod nitridining sintezi va fotokatalitik xossasi // O‘zbekiston  
kimyo jurnali. – 2022. – №4. – B. 9-14.

## **SYNTHESIS OF NEW SCHIFF BASES OF 2-HYDROXY-1-NAPHTHALDEHYDE**

K.Zh.Rezhopov<sup>1</sup>, Sh.B.Alimbayeva<sup>2</sup>, B.A.Khodjanliyazov<sup>3</sup>

<sup>1</sup>A.S.Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, e-mail: r\_k\_zh@bk.ru

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan, e-mail: r\_k\_zh@mail.ru

<sup>3</sup>Karakalpak State University named after Berdakh, , e-mail:  
bekniyaz@mail.ru

It is known from the literature that the condensation of primary amines with aldehydes or ketones results in Schiff bases with an imine (C=N) function [1-4].

By properly choosing derivatives of aldehydes, ketones or amine compounds, the desired functional groups can be easily incorporated into complex molecules. From this point of view, the main goal of our research work is to clarify whether the synthesized 2-hydroxy-1-naphthaldehyde derivatives have the same structural reactivity as gossypol and its imine derivatives, and also to clarify the comparative results of their biological activities.

In our scientific work, new Schiff bases of 2-hydroxy-1-naphthaldehyde were synthesized with a number of primary amines through condensation reaction. Aromatic, heterocyclic amines and sulfonamides (4-aminobenzoic acid, 4-amino-1,2,4-triazole, sulfadimyzin, 6-amino-3-picoline) were selected for the synthesis of new Schiff bases. Their physico-chemical parameters were studied. The purity of the new Schiff bases of 2-hydroxy-1-naphthaldehyde was determined. The structures of substances were analyzed using optical spectral methods (UV-, IR-) and mass spectrometry. The results of the obtained analysis were studied on the basis of analytical data.

## **REFERENCES**

1. G. Wilkinson, R. D. Gillard and J. A. McCleverty, Eds., Comprehensive Coordination Chemistry // Pergamon. Oxford. 1987. P. 73.

2. Jakusova' K., Donovalova' J., Ciga'n' M., Ga'plovsky' M., Garaj V., Ga'plovsky' A. Isatinphenylsemicarbazones as efficient colorimetric sensors for

fluoride and acetate anions-anions induce tautomerism // *Spectrochim. Acta. A.* 2014. Pp. 421-429.

3. Przybylski P., Ratajczak-Sitarz M., Katrusiak A., Wojciechowski G., Schilf W., Brzezinski B. Crystal structure of Schiff base derivative of gossypol with 3,6,9-trioxa-decylamine // *Jour. Mol. Struct.* 2003. Pp. 293-300.

4. Moghadam A.J., Omidyan R., Mirkhani V., Azimi G. Theoretical investigation of excited state proton transfer process in the N-salicylidene-2-bromoethylamine // *Jour. Phys. Chem. A.* 2013. Pp. 718-725.

5. Sharif S., Powell D.R., Schagen D., Steiner T., Toney M.D., Fogle E., Limbach H-H. X-ray crystallographic structures of enamine and amine Schiff bases of pyridoxal and its 1:1 hydrogenbonded complexes with benzoic acid derivatives: evidence for coupled inter-and intramolecular proton transfer // *Acta. Crystallogr. B.* 2006. Pp. 480-487.

## **PREPARATION AND PHYSICO-CHEMICAL CHARACTERISTICS OF THE WATER-SOLUBLE COMPLEX OF THE GOSSYPOL DERIVATIVE**

K.Zh.Rezhopov<sup>1</sup>, Sh.B.Alimbayeva<sup>2</sup>, B.N.Babaev<sup>2</sup>, B.A.Khodjaniyazov<sup>3</sup>

<sup>1</sup>A.S.Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, e-mail: r\_k\_zh@bk.ru

<sup>2</sup>National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, e-mail:  
r\_k\_zh@mail.ru

<sup>3</sup>Karakalpak State University named after Berdakh, e-mail: bekniyaz@mail.ru

It is known that gossypol is one of the few compounds of plant origin with antiviral and interferon-inducing activity. Gossypol itself and its derivatives have a wide spectrum of physiological activity. Some of them are widely used in medical practice as antiviral drugs (3% gossypol liniment), antiherpetic drugs (3% megosin ointment), and immunosuppressive drugs (Batriden tablets) [1-7]. The foregoing indicates the expediency of searching for new physiologically active substances among compounds synthesized on the basis of gossypol.

The purpose of this study is to obtain a water-soluble complex of gossypol derivatives, to study some of its physicochemical properties and the most probable structure. During the study, we tested the methods for obtaining several complexes, which are proposed in the classical literature and information resources. The following method was used to obtain the complex: the imino derivative of gossypol was mixed with the polymer at room temperature for 24 hours in a solvent system (acetone:water) [8]. Thus, a water-soluble complex of gossypol with N-PVP was obtained, which was purified and dried. The yield of the final product was 75.35%. To study the spectral properties of the obtained substances,

modern UV and IR spectroscopy instruments were used. The results were analyzed and compared with data presented in the scientific literature. The suggested structure of the resulting water-soluble complex is proposed.

#### REFERENCES

1. Baram N.I., Ismailov A.I. Biological activity of gossypol and its derivatives // Chemistry of Natural Compounds. 1993. Vol. 29. Pp. 275. DOI: 10.1007/BF00630521
2. Машковский М.Д. Лекарственные средства : Издательство медицинской литературы. Т., 1998. С. 325-335.
3. Baram N.I., Ismailov A.I., Ziyaev Kh.L., and Rezhepov K.Zh. Biological Activity of Gossypol and Its Derivatives // Chemistry of Natural Compounds. 2004. Vol. 40. Pp. 3. DOI: 10.1023/B:CONC.0000039123.09208.79
4. Baram N.I., Kamaev F.G., Ziyaev Kh.L., Ismailov A.I., and Rezhepov K.Zh. Transformation of batridene // Chemistry of Natural Compounds. 2000. Vol. 36. Pp. 2. DOI: 10.1007/BF02236415
5. Rezhepov K.Zh., Ziyaev Kh.L., Baram N.I., Ismailov A.I., Kamaev F.G., and Saiitkulov A.M. Synthesis and Interferon-Inducing Activity of Azo-Derivatives of Gossypol and Its Imines // Chemistry of Natural Compounds. 2002. Vol. 38. Pp. 4. DOI: 10.1023/A:1021613705698
6. Rezhepov K.Zh., Ziyaev Kh.L., Baram N.I., Kamaev F.G., Levkovich M.G., Saiitkulov A.M. and Ismailov A.I. Azo-Derivatives of Gossypol and Its Imines // Chemistry of Natural Compounds. 2003. Vol. 39, Pp. 4. DOI: 10.1023/B:CONC.0000003416.49975.25
7. Rezhepov K.Zh., Ziyaev Kh.L. Quality control and standardization of the complex of batridene with N-polyvinylpyrrolidone // Chemistry of Natural Compounds. 2002. Pp. 80.
8. РежеповК.Ж., ЗияевХ.Л., АлимбаеваШ.Б. Получение, физико-химическая характеристика водорастворимого комплекса производного госсипола // Химия растительного сырья.2022. №4.С.277-282.DOI: 10.14258/jcprm.20220410648

#### NAFTALINDISULFOKISLOTA VA MIS (II) ASETATNI O‘ZARO TA‘SIRLASHISHI NATIJASIDA OLINGAN KOMPLEKSNI DFT USULIDA O‘RGANISH.

<sup>1</sup>Suyunov J.R., <sup>2</sup>Turayev X.X., <sup>3</sup>Ashurov J.M., <sup>4</sup>Yeshimbetov A.G., <sup>5</sup>Sultonov A.A.

<sup>1</sup>Doktorant, Termiz davlat universiteti

<sup>2</sup>Kimyo fanlari doktori, professor, Termiz davlat universiteti


<sup>3</sup>Kimyofanlari doktori, professor, O‘zRFA O.S.Sodiqov nomidagi Bioorganik kimyo instituti

<sup>4</sup>Katta ilmiy xodim, O‘zRFA O.S.Sodiqov nomidagi Bioorganik kimyo instituti


<sup>5</sup>Kimyoviy-texnologiya fakulteti assistenti, Qoraqolpoq davlat universiteti

Naftalin halqasi saqlagan metallokomplekslar va ularning hosilalaridan qishloq xo‘jaligida gerbitsid va stimulyatorlar sifatida keng foydalanilmoqda [1]. Naftalindisulfokislota turli xil ikki valentli metall ionlari bilan 1:1 va 2:1 nisbatlarda komplekslar hosil qiladi. Metall komplekslari erkin ligandlarga qaraganda bir muncha faol hisoblanadi. Masalan bioaktivlik xususiyatiga ega bo‘lgan, tarkibida naftalin halqasi saqlagan geteroligandli bir nechta mis (II) komplekslari sintez qilingan va o‘rganilgan [2]. Naftalin-1,5-disulfokislota qishloq xo‘jaligida muhim ahamiyat kasb qilishini e‘tiborga olgan holda, ushbu ishda naftalin-1,5-disulfokislota mis (II) asetat bilan ta‘irlashishi etilendiamin ishtirokidagi reaksiyasi o‘rganildi. Shuningdek, olingan kompleks elektron tuzilishini ORCA [3] dasturidan foydalangan holda DFT usulida nazariy o‘rganish maqsad qilindi.

Olib borilgan reaksiya natijasida  $(C_{14}H_{22}CuN_4O_6S_2)_n$  tarkibli kompleks hosil bo‘lishi RTT usulida aniqlandi:



Kompleks elektron tuzilishini DFT usulida o‘rganish uchun kompleks polimer zanjiri  $-SO_3$  guruhlaridan uzilgan holda, kompleks zaryadini -2 deb olib hisoblandi:



Koordinatsion birikmalarda metal va ligand tabiatidan kelib chiqqan holda

kompleks quyi spin-elektron holatidan ko‘ra yuqori spin-elektron holatlari minimal energiyaga ega bo‘lishi mumkin. Shuni e‘tiborga olgan holda, ayni kompleks quyi va yuqori spin-elektron holatlarida B3LYP/def2-TZVP usulida hisoblandi. Cu<sup>2+</sup> ion ( $[Ar]d^9$  elektronlari sababli) toq elektronli molekulyar orbitalga ega bo‘lib, quyi spin-elektron holati dublet hisoblanadi.

Nazariy ko‘rsatkich	Spin-elektron holat		
	dublet	kvartet	sektet
Umumiy energiya (kkal/mol)	-3317075.51	3317015.56	3316956.74
Dipol moment (Debay)	0.42	9.78	3.95

Hisoblashlar natijasida kompleks dublet spin-elektron holatida eng kichik energiyaga ega ekanligini aniqlandi.

Adabiyotlar ro‘yxati

1. Sergienko V. S., Koksharova T. V., Surazhskaya, M. D., Skakun, T. S., & Egorova, O. A. *Rus. J. Coord. Chem.* 2019,45 (7), 478–483.
2. Jin S., Xu K., Wen X., Jin L., & Wang, D. J. *Chem. Crystallogr.* 2015, 495–503.
3. Neese F. *WIREs Comput Mol Sci.* – 2022. – T. 12. – №. 5. – C. e1606.

## **8-OXSIXINOLINNING COBALT (II) ATSETAT BILAN KOMPLEKS BIRIKMASI SINTEZI VA DFT TAHLILI**

<sup>1</sup>Nazarov Y.E., <sup>2</sup>Turayev X.X., <sup>3</sup>Ashurov J.M., <sup>4</sup>Yeshimbetov A.G.,  
<sup>5</sup>Sultonov A.A.

<sup>1</sup> Noorganik kimyo kafedrasi doktoranti, Termiz davlat universiteti

<sup>2</sup> Kimyo fanlari doktori, professor. Termiz davlat universiteti


<sup>3</sup> Kimyo fanlari doktori, professor. O‘zR FA O.S.Sodiqov nomidagi Bioorganik kimyo instituti

<sup>4</sup> Katta ilmiy xodim. O‘zR FA O.S.Sodiqov nomidagi Bioorganik kimyo instituti

<sup>5</sup> Kimyoviy-texnologiya fakulteti assistenti, Qoraqolpoq davlat universiteti

8-oksixinolin (8-HQ) gidroksil guruhi kislorod atomi hamda azot atomi bog‘lanmagan elektron jufti hisobiga metall ionlarini xelatlovchi bidentant reagent hisoblanadi [1]. Uning metall ionlari bilan  $[Ni(8-HQ)_2]$ ,  $[Cu(8-HQ)_2]$ ,  $[Co(8-HQ_2)](H_2O)_2$  kompleks birikmalari va aralash ligandli komplekslari sintez qilingan va o‘rganilgan [2]. Metall komplekslari erkin ligandlarga qaraganda faol hisoblanadi. Shundan kelib chiqqan holda, kobalt(II) atsetat tuzining 8-oksixinolin bilan ta’sirlashishi sirka kislota ishtirokida olibborildi. Natijada hosil bo‘lgan monokristall RTT usulidatekshirilgandarkibi quyidagicha bo‘lgan kompleks

ekanligi aniqlandi (1-rasm):  $[\text{Co}(\text{C}_9\text{H}_6\text{NO})_3]\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$ .




1-rasm.  $[\text{Co}(\text{C}_9\text{H}_6\text{NO})_3]\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  kompleksi sintezi reaksiyasi.

Koordinatsion birikmalarda metal va ligand tabiatidan kelib chiqqan holda kompleks quyi spin-elektron holatidan ko‘ra yuqori spin-elektron holatlari minimal energiyaga ega bo‘lishi mumkin. Shuni e‘tiborga olgan holda,  $\text{Co}^{3+}$  ionini tutgan ayni kompleks singlet, triplet va kvintet spin-elektron holatlarida UHF/DFT/def2-TZVP usulida ORCA [3] dasturi yordamida hisoblandi. Umumiy energiya kattaliklari kompleks singlet spin-elektron holatida eng minimal energiyaga ega ekanligi aniqlandi(1-jadval).

1-jadval.  $[\text{Co}(\text{C}_9\text{H}_6\text{NO})_3]\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  kompleksining DFT usulida nazariy o‘rganish natijalari.

Spin holati	Umumiy energiya, kkal/mol	Dipol moment, Debay
Singlet	-1908411.16 ( $\equiv 0$ )	6.7
Triplet	-1908395.84 (15.32)	5.96
Kvintet	-1908396.24 (14.92)	6.54



2-rasm.  $[\text{Co}(\text{C}_9\text{H}_6\text{NO})_3]\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  kompleksining optimallashtirilgan geometriyasi

Quyi spin-elektron holatiga ega kompleks geometrik ko‘rsatkichlari (bog‘ uzunliklari va valent burchaklar) RTT usulida olingan ma‘lumotlar bilan taqqoslanib, ular orasida yuqori korrelyatsiya ( $R^2=0.97$ ) mavjudligi topildi.

**Xulosa:** Tadqiqotlar natijasida 8-oksixinolinning kobalt(II) atsetat bilan sirka kislota ishtirokidagi ta‘siri natijasida  $[\text{Co}(\text{C}_9\text{H}_6\text{NO})_3]\text{C}_2\text{H}_4\text{O}_2$  tarkibli

kompleksi sintez qilindi va tuzilishi RTT usulida aniqlandi. Sintez qilingan kompleksning energetik ko'rsatkichlari DFT usulida hisoblab topildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Prachayasittikul V. et al. Drug Des Devel Ther. – 2013. – T. 7. – С. 1157..  
<https://doi.org/10.2147/DDDT.S49763>
2. Summers KL et al. Inorg. Chem. - 2020. - T. 59. - No. 19. - S. 13858-13874.
3. Neese F. WIREs Comput Mol Sci. – 2022. – T. 12. – №. 5. – С. e1606.

**ИККИ КАРРА ЧЎКТИРИШ УСУЛИДА ОРГАНИК  
МОДИФИКАТОРЛАР БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАБ ОЛИНГАН  
КРЕМНИЙ (IV) ОКСИДИНИНГ ИНФРАҚИЗИЛ СПЕКТРОСКОПИК  
ТАҲЛИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ**


Бозоров Ахрор Тураевич таянч докторант  
Джалилов Абдулахат Туропович к.ф.д., академик  
Соттиқулов Элёр Сотимбоевич (PhD)., katta ilmiy xodim  
Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институту  
E-mail: [ahror.bozorov.0125@mail.ru](mailto:ahror.bozorov.0125@mail.ru)

